

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Қарши шаҳар Маҳалла ва нуронийларни**

**қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиги**

**Н.Хонкулова**

**2022 й**

**БУЮРТМАЧИ:**

**«ҚАРШИ ШАҲАР МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» БЎЛИМИ**

**Қарши шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларига  
Баннерлар сотиб олиш хизмати.**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Қарши шаҳри-2022**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **Танлов иштироклари учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ**

- 1.Қарши шаҳридаги ишларни юритишда ишлатиладиган хизматлар.
- 1.2. Танловнинг ҳизмат турлари;

#### **Баннер умумий 530 кв. рекаси билан бирга**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати –буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. “ҚАРШИ ШАҲАР МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИ”** (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 181100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси, 60-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи ” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Қарши шаҳар хокимиияти” биносида “Буюртмачи ” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатый назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик –муомала ҳукукий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи микдори;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилик каби ноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.4. Танлов иштирокчилари –талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.